

Термиз тумани прокурори “Айритом” маҳалласида сайёр қабул ўтказди



Термиз тумани прокурори, 2-Сектор раҳбари Ботир Олтибоев бугун “Айритом” маҳалласининг олис Наврӯз қишлоғида аҳоли вакиллари билан учрашиб, мурожаатларини тинглади. Халқ қабулхонаси мудири Отабек Норматов ва бошқа алоқадор масъуллар иштирок этган сайёр қабулда 14 нафар фуқаронинг 21 та масаладаги мурожаатлари қабул қилинди.

Масъуллар иштирокида кўриб чиқилган мурожаатларнинг электр устунлари ўрнатиш, майший газ балони билан таъминлаш, иссиқхона устини ёпишда кўмак бериш масалаларидағи 4 таси ижобий ҳал этилиб, мурожаатлар ечимини топди.

Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиласиган мурожаатларга ўрганиш ҳамда ҳал этиш муддатлари белгиланиб, ижро учун масъулларга йўналтирилди.